

“БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

“Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши 2025 йил “26” июнь соат 10.00да Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчаси, “Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари рўйхатга олиш соат 09⁰⁰ бошланади. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.beruniypaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2024 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2024 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўзгартириш киритиш.
11. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебитор ҳақдорликларни ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури” тўғрисидаги ПФ-70 сонли фармони ижросини куриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана:

– акциядорлар умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 5 июнь ҳолатига;

– акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2025 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотларни “Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида танишишлари мумкин. Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчаси, электрон почтаси: beruniypaxta@umail.uz